



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 5 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (12.972)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

24
O'ZBEKISTON

Эндигина тетапоя бўлаётган, беғубор, шўх-шодон кулгуси билан уйни «бошига кўтариб» ўйнаётган гўдак... Пок ният ва катта орзулар билан мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган келин-куёв... Тўкин дастурхон атрофида фарзанду набиралари қучоғида қўлларини дуога очган нуроний отахон юзидаги шукроналик...



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЛИ УК ХОН: ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак иштироқлар самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 27-29 май кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарди. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликка оид 60 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан ЎЗА муҳбири Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Ли Ук ХОН билан суҳбатлашди.

— Жаноб элчи, суҳбатимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самаралари ҳақида ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Географик жиҳатдан қулай жойлашган Ўзбекистон Европа ва Осиё ўртасида муҳим боғловчи бўлиб, улкан иқтисодий салоҳият, малакали кадрлар, ишлаб чиқариш қувватларига эга ва табиий ресурсларга бой давлатдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча жаҳалар — сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилди. Бунинг самарасида мамлакатда барқарорлик таъминланмоқда, бозор иқтисодиёти ривожланмоқда, саноат жадал тараққий этиб, аҳоли ҳаёт даражаси тобора юксалмоқда.

Иқтисодий соҳа ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш керакки, саноат, инфратузилма ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани самарасида Ўзбекистон тайёр маҳсулотлар экспорт қиладиган мамлакатга айланмоқда. «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» индустриал зоналарининг ташкил этилгани натижасида хоржий инвестициялар оқими кўпайди, саноатда ишлаб чиқариш юқори даражада ривожланиб бораётгани ушбу лойиҳалар самардорлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики янада кенгайтириш бўйича оқилона сиёсат юритилаётгани туфайли улкан муваффақиятларга эришилмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ислам Каримовнинг 2015 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 10 давлатидаги кичиратиш тантанали маросимидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди. Президент ўз нутқида демократик ислохотлар, матбуот эркинлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд тизимини яхшилаш, фуқаролик жамиятини мустақамлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, инновацияларни янада такомиллаштириш орқали унинг рақобатбардорлигини ошириш, хусусий тадбиркорликка эркинлик бериш қафолатларини қучайтириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, коррупция ва бюрократияга қарши курашиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу барча эзгу мақсадлар яқин вақт ичида ўзининг ижобий самарасини беришига ишонаман.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ УЧИНЧИ ЯПЛИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи япли мажлиси 2015 йил 6 август кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

ИНСОН БАХТ УЧУН ДУНЁГА КЕЛАДИ

Булар — ҳар кунини деярли барчанинг туйғуви бўладиган кундалик ҳаёт лавҳалари. Бу лавҳаларнинг қарамонлари атрофимиздаги одамлар. Уларнинг кечинмаларини, турмушдан туйган ички қониқлишни чинакам бахт деб аташ мумкин.

Ҳўш, бугунги бахтли ҳаётимиз замирида қандай омиллар муассас?

Мустақиллик...

Мустақиллик — озод юртда яшаш, ўз тақдирини ўзининг белгилаш, келажикнинг ўз қўлини билан яратиш демократия.

Инсон озод, ҳур бўлмас экан, унга на шодлик, на фаровонлик татийди. Дон ўзининики бўлмаса, қўлда нонинг омонат, дейди халқимиз. Эркин ўзинида бўлмаса, ҳар кунини ейдиган нонини ҳам қўлда омонат тусган, чинакам бахтли туйиш мумкинми? Йўқ, асло!

Халқимиз бир асрдан зиёд вақт мобайнида мустақилликка амалга оширилаётган ҳаётининг, зўравонлик исканжасида яшади. Бу йиллар давомида қанча-

дан-қанча одамлар жисмоний ва маънавий азобларни бошидан кечирди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида «пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган соҳта айбловлар билан уюштирилган катагонлар қалбларга солган алам ва изтироб хануз унутилгани йўқ. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, порахўрлик каби иғволар билан кўплаб ҳалол, соф виждонли кишилар айбсиз қамалди, ғурури тоғталди.

1984 йил 22 мартда ҳибсга олинган Бухоро вилоятининг собиқ йўлпатруль хизмати ходими Видодил Иззатов бундай хотирлайди: «Иванов тўпланганларга қараб: «Танишинг, ўртоқлар, мана бу туркларнинг ёввойи ҳайвони, «иш» вақтида унга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмаслиги керак», деди... Яна бир сафар навбатдаги дўппослашдан кейин Иванов айтди: «Йигитлар, агар у айбини бўйнига олмай, ҳеч нима ёзиб бермаса, уни учинчи қаватдан ташлаб юборинлар, кейин ўзини ўзи ташлади, деб акт тузиб қўямиз».

Уша даврда Видодил ака каби минглаб одамлар ноҳақликдан жабр кечди. Ўзбекистонга Ислам Каримов раҳбар бўлгач, халқимиз енгил нафас олди. Янги раҳбар дастлабки мажлисларидаёқ одамларнинг дилини ўртаётган «пахта иши» масаласини кўтарди. Республика раҳбарининг тошпириги билан Ўзбекистон Олий судида махсус ҳайъат тузилиб, тажрибали ҳуқуқшунослар томонидан қирқ минг жилдли «жиноят иши» қайтадан синчилаб ўрганилди. Шунда Гдиян, Иванов бошчилигидаги «конун ҳимоячилари» мутлақо беғубон турт ярим минг одамни ҳибсга олгани, уларни узок йиллар ноҳақ азоблагани исботланди. Асосий қатагонга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, кадр-қиммати, покиза номи тикланди.

Зўравонлик, ноҳақлик устидан адолат тантанаси халқимизнинг миллий озодликка бўлган интилишини қучайтирди, бу йўлда баҳамжихат, дадил қадам ташлашга туртки бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

НАВҚИРОН АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, талабалар, ўқувчилар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Н.Умаров, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов ва бошқалар интеллектуал салоҳият, Ватанимизнинг эртанги тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодни камолга етказиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосини ташкил этишини таъкидлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган йигирмадан ортиқ конун қабул қилинди, ўттиздан зиёд халқаро ҳужжатлар имзоланди. «Таълим тўғрисида»ги конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши натижасида 12 йиллик узлуксиз таълим тизими жорий этилди. Кўплаб янги умумтаълим муассасалари, лицей ва коллежлар, мусика мактаблари барпо этилди. Мавжудлари реконструкция қилиниб, замонавий технологиялар, ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланди.

Ёшлар саломатлигини муҳофазалаш, улар ўртасида тадбиркорлик ва оммавий спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодни инсон камолотиغا салбий таъсир этув-

чи иллатлар, «оммавий маданият» ниқоби остидаги бузғунчи ғоялардан ҳимоялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида вояга етказишга йўналтирилган изчил ислохотлар ўз самараларини бераётди. Бу ишларнинг натижалари ёшларнинг саломатлик кўрсаткичи йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани, таълим, спорт, маданият, тадбиркорлик каби соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари мисолида яққол намойён бўлаётди.

Депутатлар ва ёшлар иштирокида бундай тадбирларни ташкил этишдан мақсад мустақил ҳаётга кириб келаётган авлодни юртимизда ёшлар камолотида йўналтирилган ҳуқуқий-амалий ишларнинг натижалари билан яқиндан таништириш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари хусусида билим ва дунёқарашини янада бойитишдир.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари, бу йўналишдаги миллий тажриба ва халқаро амалиёт, ушбу йўналишдаги конунларни янада такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди. Ёшларни қизиқтирган саволларга депутатлар жавоб қайтарди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган суҳбат
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган шаҳрининг Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган «Мустақил юрт оқшоми» деб номланган маданий тадбир бўлиб ўтди.

• Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги «Косонсой интенсив боғлари» масъулияти чекланган жамиятида томчилатиб сугориш технологияларини ривожлантириш масалаларига бағишланган вилоят кўргазмалари семинари бўлиб ўтди.

• «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика анъанавий турнирининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда 36 нафар курашчи 6 вазн тоифасида гиламга тушди.

• Жорий йилнинг 5-12 август кунлари «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари бўлиб ўтади.

• Жорий йилнинг 2-9 август кунлари Корея Республикасининг Ewha Womans University госпитали малакали шифокорлари Андижон вилоятидаги болалар кўптармоқли тиббиёт марказида водий аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишмоқда.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг Shanghai Salvage давлат компанияси Жанубий Кореянинг ўтган йили чўкиб кетган «Сэволь» паромини сув тубидан олиб чиқиш бўйича танловда ғолиб бўлди. Ушбу амалиёт келгуси йил июлида бошланади. Имзоланиши кутилаётган шартнома қиймати 73 миллион долларни ташкил этади. Shanghai Salvage денгиз тубидан сув сигими 6,83 минг тонна бўлган паромни қисмларга бўлинмаган ва ёқилгиси тўқилмаган ҳолатда тортиб чиқариш лозим. Ҳалок бўлганлардан камида тўққиз кишининг жасади паромда қолиб кетганлиги тахмин қилинмоқда.

• Ҳиндистоннинг бир қатор ҳудудларида сув тошқини ва кўчкилар оқибатида ўтган ҳафта мобайнида ҳалок бўлганлар сони 220 кишига етди. Ҳиндистон Ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, бир неча ўнлаб кишилар бедарак йўқолган, ўн миллиондан ортиқ аҳоли бошпанасиз қолган. Ҳиндистон ғарбидаги Гуҷарат штати ва шарқда жойлашган Ғарбий Бенгалия штатида табиий офат натижасида энг кўп зарар етди. Уларнинг ҳар бирида 70 дан ортиқ киши ҳалок бўлган.

• Хитойда диаметри тахминан 23 метрга тенг дунёдаги энг катта соябон яратилди. Соябонни шарқий Цзянси провинциясидаги компаниялардан бири ясади. Конструкция диаметри қарийб 23 метр, баландлиги 14,4 метрни ташкил этади. Соябоннинг оғирлиги 5,7 тоннага тенг бўлиб, у 418 квадрат метр майдонни эгаллайди.



**МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ**



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



Спорт янгиликлари

ИҚТИДОРЛИ ТЕННИСЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсмирлар ўртасида «NBU Cup» халқаро турнири бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Буюк Британия, Греция, Ҳиндистон, Украина, Қозғистон, Қирғизистон каби давлатлардан иқтидорли теннисчилар иштирок этмоқда.

Турнирнинг саралаш мусобақаларида Хумоюн Абдумаликов Александр Бударниковни 7:5, 6:1, Камолбек Қошмуродовни 2:6, 6:2, 6:1, Олимжон Набиевни 6:2, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Яна бир иқтидорли теннисчи Сарвар Воҳидов Равшан Қодировни 6:1, 6:1, Азизбек Аҳмаджоновни 6:0, 6:1, Нурмуҳаммадбек Ёқубжоновни

6:3, 6:0 ҳисобида енгди. Шунингдек, саралаш баҳсларида муваффақиятли қатнашган россиялик Андрей Ландграф ва қозғистонлик Евгений Данилов ҳам асосий тўр учрашувларида иштирок этадиган бўлди.

Қизлар ўртасидаги саралаш мусобақасида ҳамюртимиз Касия Йўлдошева биринчи даврада

Анна Югайни 6:2, 6:3, иккинчи учрашувда Робия Абдуназаровани 6:4, 6:1, учинчи ўйинда Севил Йўлдошевани 6:4, 3:6, 7:5 ҳисобида енгди, асосий тўрга йўлланма олди. Шунингдек, россиялик Алиа Мердеева, София Соколова ва қозғистонлик Екатерина Дмитриченко ҳам саралаш мусобақаларида ғалаба қозонди.

Бугун турнирнинг асосий тўр баҳслари бошланди. Мусобақанинг ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида ўн саккиз нафар, қизлар баҳсида тўққиз нафар ёш теннисчиси иштирок этади.

**Б.АЙМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири**

Тошкент Молия институти спорт мажмуасида «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида «Аёллар спорт фестивали»нинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Айни кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маданий-маънавий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Аёллар спорт фестивали ҳам шулар жумласидандир.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аёлларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

— Мазкур фестивалда иккинчи мартаба қатнашдик, — дейди Сергели туманидаги «Обод» маҳалласининг «Эъозли аёллар» гуруҳи раҳбари Раъно Усмонова. — Гуруҳимиз икки йилдан буён фаолият юртиб келади. Аъзоларимиз 40 ёшдан 80 ёшгача аёллардан иборат. Диск чурраси, оёқ ва бош оғриғидан азият чекадиган аёлларимиз айнан бадантарбия билан шуғулланишлари натижасида хасталиклардан фориғ бўлаётганларидан беҳад қувонишмоқда.

Мазкур тадбир «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш, хусусан, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида ўтказилганини таъкидлаш жоиз.

— Ёшлигимдан стол тенниси билан шуғулланиб келаман, — дейди Юнусобод туманидаги «Тинчлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Муаттар Эшбадалова. — Спорт билан машғул бўлиш ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга. Жисмонан соғлом бўлиш билан бирга ҳаётда қизиқишни оширади. 5 ёшли фарзандим ҳам таэквондо бўйича спорт тўғрисида қатнашади.

Тадбир давомида туманда ғолиб деб топилган, 25 ёшдан юқори бўлган уй

бекаларидан иборат туман жамоалари эпчилу чақонлигини намойён этишди.

— Шахмат ақлини чархловчи спорт тури эканлигига ўзим ва оила аъзоларим ҳам амин бўлганмиз, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Фотиима Жумаева. — Маҳалламизда аҳолини спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида турли спорт тадбирлари, мутахассислар иштирокида семинар-тренинглар ўтказиб келинади. Анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиб келинаётган спорт фестивали Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» хайри жамоат фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлимлари ва бошқа ташкилотлар билан ташкил этилиб, иштирокчилар волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат-шашка, дартс, сузиш, гимнастика спорт турлари бўйича ўзаро беллашадилар.

— Ёшим 64 да, 5 йилдан буён «Янгиобод» маҳалласининг 300 нафар аёли Ўзбекистон Миллий боғида тонгда гимнастика машқларини бажариш учун йиғиламиз, — дейди Шайхонтоҳур туманидан келган Фароғат Шодиметова. — Спортнинг саломатлик учун фойдаси жуда катталигини ёшларимизга ўқитмоқчи эдим. Баъзи аёлларимиз гимнастика билан шуғулланмасидан аввал бир йилда тўрт мартаба касалланган бўлса, эндиликда соғлом ва тетик ҳолда юришларидан жуда мамнунлар.

Спорт фестивалида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Миробод тумани жамоаси қўлга киритди. Олмасор тумани жамоаси 2-ўринни, Сергели тумани вакилларида иборат жамоа 3-ўринни эгаллашди. Ғолиб жамоалар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг дипломини қўлга киритди. Фестивалда энг яхши иштирокчи жамоалар ҳам бир қатор номинациялар бўйича совға ва дипломлар билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Зарина РУСТАМОВА

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ИШТИРОКЧИЛАР ҚАТОРИДА

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси жорий йилнинг 22-30 август кунлари Хитой пойтахтида бўлиб ўтадиган енгил атлетика бўйича XV жаҳон чемпионатида иштирок этувчи спортчиларимиз номларини эълон қилди.

Пекиндаги нуфузли мусобақада жами бўлиб 47 та медаллар шодаси учун 201 та давлатнинг 2000 дан ортиқ спортчилари даъвогарлик қилишади. Ушбу медалларнинг 24 таси эркеклар, 23 таси

аёллар ўртасидаги баҳслар ғолиблари учун ажратилган.

Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз номидан 2016 йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасига эга чиққан

Светлана Радзивил, Сухроб Хўжаев ҳамда яна бир истеъдодли енгил атлетикачи Екатерина Воронина қатнашади.

Қозғистонда ташкиллаштирилган халқаро турнир ғолиби Сухроб Хўжаев босқон улоқтириш, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил баландилка сакравил, умидли Екатерина Воронина еттикурашда ўз имкониятларини синаб кўради.

МУҲИМ БАҲСЛАР ОЛДИДАН ЙИҒИН

Ўзбекистон миллий терма жамоаси июль ойининг якунида Самвел Бабаев қўл остида биринчи ўқув-машғулот йиғинини ўтказди. Муҳим баҳсларга тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоамиз аъзоларини бош мураббий назорат ўйинлари орқали сараламоқда.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси билан ўтказилган иккита ўйиннинг таҳлили натижасида йилгига тақриб қилинган футболчиларнинг аксарияти расмий ўйинларга ҳам жалб этилиши ойдinлашди.

Хусусан, Виктор Жалилов шогирдлари қарши келган баҳснинг биринчисида кучлар тенг келиб 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилган бўлса-да, иккинчи назорат ўйинида тақриб ўз сўзини айтиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонилди. Терма жамоамизнинг янги бош мураббийи мазкур иккита баҳсда иштирок этган маҳоратли футболчиларнинг 5 ёки 6 таси эҳтимол сентябрь ойида ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг бошланғич асосий таркибидан ўрин олишини айтиб ўтди. Шунингдек, тажрибали ҳужумчи Александр Гейнрих ўз ўйини ҳамда жисмоний ҳолатини яхши даражада ушлаб турса, унга ҳам таркибдан жой ажратилиши мумкинлиги маълум қилинди.

Ботир ХЎЖАЕВ

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА КУЗДА ҚУРЪА ТАШЛАНАДИ

Қатарда ўтказилиши белгиланган ушбу мусобақада жами бўлиб 16 та терма жамоа иштирок этади ва улардан турнир ғолиби, финалчиси ҳамда учинчи ўрин соҳиби олимпиада баҳсларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Виктор Жалилов бошчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоасидан ташқари совриндорлар қаторидан жой олиш учун Жанубий Корея, Австралия, КХДР, Эрон, Саудия Арабистони, Хитой, Ироқ, БАА каби Осиёнинг кучли термалари ҳамда мезбон Қатар мавжуд имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни ёзги мавсумда чўкиш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш борасида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қатор муҳофаза тадбирлари ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 25 майдаги «Тошкент шаҳри ҳудудидаги мавжуд очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, дарё, канал ва анҳорларда жорий йилнинг ёз мавсумида хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар тадбирлар тўғрисида»ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, ИИББ, Қўқарув хизмати бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Табиати муҳофаза қилиш бошқармаси, ДСЭНМ, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасининг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан Чилонзор туманида жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги сув ҳавзаси, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи манзарали сув ҳавзаси ва бассейни қўриқланиши, тиббий ва санитария-гигиена талабларига мослиги, сув ҳавзасининг чўкилиш учун яроқлилиги ҳолати, хавфсизлик масалалари ва у ердаги фуқароларни қўқаришга ихтисослаштирилган тузилмаларнинг ташкил этилганлиги, уларнинг шайлиги юзасидан мукамал ўрганиш ишлари олиб борилди. Шунингдек, жойларда чўкиш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, рухсат этилмаган, тақиқланган жойларда чўкилмасликни юзасидан дам олиш масканларида дам олаётган 100 дан ортиқ фуқаролар билан тушунтириш ва суббатлар ташкил этилиб, услубий амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, бошқарма масъул ходимлари томонидан Юнусобод туманида жойлашган «Аква» боғи, Як-касарой туманида жойлашган Бобур, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Мирзо Улуғбек, Сергели туманида жойлашган Фуркат, Чилонзор туманида жойлашган Алишер Навоий ва Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғларида ҳам юқоридаги тадбирлар ўтказилди.

Азамат СУЮНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий сармоядорлар диққатига!

«Chilonzor buyum savdo kompleksi» AJ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28-апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, қўшимча эмиссия акцияларининг биржа очик савдоларига тақлиф этади. «Chilonzor buyum savdo kompleksi» AJ акциялари «Tashinvestkom» хусусий корхонаси томонидан биржа очик савдолари орқали бир донаси 12 000 сўмдан сотувга қўйилган. Сотувга қўйилган акцияларнинг жами сони 296501 дона (Устав фонднинг 5,18 фоизини) ташкил этмоқда. Шошилинч, имкониятингизни қўлдан бой берманг. Мурожаат учун телефонлар:

«Tashinvestkom» хусусий корхонаси (+99871) 236-21-50, e-mail: tashinvestkom@mail.ru

«Chilonzor buyum savdo kompleksi» AJ (+99871) 287-73-22, e-mail: ch.b.s.k.aj@inbox.uz

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи 2015-2016 йилларда ўз ошхонасида фаолият кўрсатиш учун танлов эълон қилади. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 мавзеси, 7-А-уй.

Сергели Политехника касб-ҳунар коллежи 2015-2016 ўқув йилида ўз ошхонасини ижарага бериш учун тендер эълон қилади.

Хужжатлар қўйидаги манзилга 2015 йилнинг 4 августидан жорий йилнинг 10 августига қадар тақдим қилиниши лозим.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 4-даҳа, Қанора кўчаси, 44-уй. Тел. 258-46-35



кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 август кунин Тошкент

Тошкент шаҳрида 6 август кунини ҳаво ўзгариб туради, шаҳар ҳаво шартларида ёғингариллик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр ғўлиқида имконият тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24 даража, жаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.ru
Буюртма Г- 855

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Навр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6541 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ